

5320500-Биотехнология (Фармацевтик биотехнология) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5320500-Биотехнология (Фармацевтик биотехнология) бакалаврият таълим йўналиши соғлиқни сақлаш тизимининг, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, биологик фаол моддаларни ва дори воситаларини таркиби ва технологиясини танлаш, технологик қурилмаларни танлаш, ишлаб чиқариш, стандартлаш, унумдорлигини ҳисоблаш, сифат ва миқдорини таъминлаш, биотехнологик усулларни қўллашга инсон фаолияти воситалари, усуллари мажмуасини қамраб олади.

5320500-Биотехнология (Фармацевтик биотехнология) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг объектлари – биологик фаол моддалар, дори воситалари, дори турлари, фитопрепаратларни ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва қурилмалари, биологик объектлар (ўсимлик ва ҳайвон хужайра ва тўқималари, микроорганизмлар)ни қайта ишлаш ва улардан биофаол моддаларни ажратиш, биофаол моддаларни маҳсулдорлигини ошириш учун биотехнологик усуллар (ген, хужайра, мембрана, ферментлар мухандисликлари ва бошқалар)ни қўллаш ҳамда физикавий, физик-кимёвий, кимёвий ва биологик жараёнлар асосида ишлаб чиқаришда қўлланиладиган усуллари, воситалари, қурилмалари, йўсинлари, йўллари, цех, линия, технологик жараёнлар ва аналитик лабораториялар.

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин

5320500-Биотехнология (Фармацевтик биотехнология) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- техник эксплуатация принципларини тузиш;
- тизимли ёндошув механизмларини тадқиқ этиш;
- янги препаратларни олиш соҳасида намунавий методикалар бўйича тажриба ўтказишга асосланган тадқиқотлар ўтказиш;
- биотехнологик дори воситалари ишлаб чиқаришнинг технологик босқичларини бошқариш;
- биологик фаол моддалар ва дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича участка, цех, бўлим технологи ишини ташкил қилиш;
- намунавий биотехнологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- биологик фаол моддалар ва дори воситалари ишлаб чиқариш саноат корхоналарини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- биологик фаол моддалар олишда технологик жараёнларни моделлаштириш;
- ишлаб чиқаришда технологик схемаларни моделлаштирилган натижалар асосида тузиш;
- биологик фаол моддаларни ва дори воситалари ишлаб чиқариш саноат корхоналари учун норматив техник ҳужжатларни тузиш ва улар асосида иш юритиш;
- биологик фаол моддалар ва дори воситаларини ишлаб чиқаришда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

5320500-Биотехнология (Фармацевтик биотехнология) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот;
- ишлаб чиқариш;
- ташкилий-бошқарув;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- техник воситаларни йиғиш ва созлаш;
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш
- педагогик (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида).